БУГУНГИ СОНДА:



2-бет



2-бет



3-бет



4-бет


# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 47 (600)
2022 йил 1 июль,
жума

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан
ҳафтанинг сешанба ва
жума кунлари чиқади.


30 июнь – Ёшлар куни. Янги Ўзбекистонда келажагимиз бунёдкорлари бўлмиш ёш авлодни қўллаб-қувватлаш мақсадида эълон қилинган шукуҳли байрам.

Бундан роппа-роса беш йил муқаддам Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар ҳаракати қурултойида қатнашиб, 30 июнь санасини мамлакатимизда Ёшлар куни, деб эълон қилишни таклиф этган эди. Шундан буён ушбу сана юртимизда катта байрам сифатида нишонланиб келмоқда.

## ШИЖОАТЛИ ВА БИЛИМЛИ ЁШЛАР – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан "Янги Ўзбекистон" боғида ташкил этилган байрамга ташриф буюрди.

Бу ерда Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ал-Хоразмий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди номидаги павильонлар ташкил этилган. Уларда ёшларнинг илм-фан, ижод, спорт ва санъат соҳаларида эришган ютуқлари ифодаланган.

Давлатимиз раҳбари ушбу кўргазмалар бўйлаб юриб, уларни кўздан кечирди. Ёшлар билан суҳбатлашди.

– Бугунги ёшларимизнинг билими, ҳаракатлари мени чексиз қувонтиради. Аслида шундай бўлиши ҳам керак. Чунки танангизда буюк боболарнинг қони оқяпти. Тарихимиз ўттиз бир йиллик эмас, уч минг йиллик. Аждодларимиз иккита ренессансга асос солган. Энди биз Учинчи Ренессанс пойдеворини қурмоқчимиз. Кимга ишониб? Сизларга ишониб. Энг катта заминимиз таълим, – деди Шавкат Мирзиёев.

Боғда "Беш ташаббус олимпиадаси" натижалари ҳам намойиш этилди. Маълумки, ушбу мусобақалар Ўзбекистон Президентининг шу йил 11 апрелдаги қарорига мувофиқ йўлга қўйилди. Унинг маҳалла, сектор, туман, шаҳар, вилоят ва республика босқичларида 6 миллиондан зиёд ўғил-қизлар қатнашди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзатов туманида бўлиб ўтган «Ёшлар овози» танлови санъат йўналишларидаги истеъдодларни кашф этди. Президентимиз ушбу танлов ғолиблари билан суҳбатлашиб, уларга муваффақият тилади.

Мамлакатимизда ёшлар сиёсатига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу борада алоҳида давлат ташкилоти – Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилган. Жорий йилдан маҳаллаларда 9 минг 500 нафар ёшлар етакчиси фаолият бошлади.

"Ёшлар дафтари"га киритилган 700 мингдан ортиқ йигит-қизларнинг муаммоларини ҳал этишга 650 миллиард сўм йўналтирилди. Сўнгги икки йилда 174 минг нафар ёшнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 4 триллион 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилди. 560 минг нафарига деҳқончилик учун ер майдони ажратилиб, бандлиги таъминланди.

Таълим сифатини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ихтисослашган мактаблар кўлами кенгайиб, ўқувчиларга чуқур билим берилмоқда. Биргина Президент мактабларини битирган ёшларнинг 102 нафари хориждаги етакчи олий таълим муассасаларида ўқимоқда.

Сўнгги икки йилда 400 нафар ёшлар "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали чет элга ўқишга юборилди. Сўнгги бир йилда халқаро фан олимпиадаларида 255 та медаль қўлга киритилди. Жорий йилда 382 нафар ёш спортчимиз нуфузли халқаро мусобақаларда 419 та совринли ўринларни эгаллади.

Буларнинг барчаси байрам майдончаларида намоён бўлди. Шундан сўнг Президент амфитеатр майдонига келиб, мамлакатимиз ўғил-қизларини Ёшлар куни билан табриклаб, нутқ сўзлади.

– Сизлар билан учрашиш, таклиф ва ташаббусларингизни эшитиш менга ҳар доим қувонч ва ғурур бағишлайди. Шижоат ва интилишингизни кўриб, ёниб турган кўзларингизга боқиб, ўзимга битмас-туганмас куч оламан. Сизлар мана шундай катта куч-қудрат эгасисизлар, – деди Президент.

Давлатимиз раҳбари байрамга янги чоралар билан келганини таъкидлаб, ёшлар учун яратилажак қўшимча имкониятларни эълон қилди.

Хусусан, "Ёшлар дафтари"да кўзда тутилган имтиёз ва енгилликлар энди 14-17 ёш оралиғидаги 3 миллион нафарга яқин ўғил-қизларга ҳам татбиқ этилади. Имтиёзлар сони ҳам ҳозирги 11 тадан 25 тага кўпайтирилади.

2022-2023 ўқув йилидан бошлаб, мақом хонандалиги, мақом чолғу ижрочилиги, бахшичилик ва фортепиано йўналишларига янги қабул қилинган талабаларнинг шартнома тўловлари тўлиқ давлат томонидан тўлаб берилади.

Техникумларга қабул йилда 2 марта ташкил этилиб, талабалар учун давлат гранти сони 2 баробарга оширилади. Улар учун ҳам таълим кредити жорий қилинади. Хусусий таълим муассасаларида дастурлаш, веб-дизайн, анимация каби касбларни ўрганиш истагидаги ёшларга ҳам 20 миллион сўмгача миқдорда 4 йиллик имтиёзли кредит тақдим этилади.

Хорижий тилларни яхши ўзлаштирган ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида 70 нафар ўқувчи ва уларнинг устозлари давлат ҳисобидан Буюк Британияга сафарга юборилади.

Президент ёшларнинг бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Тадбиркорлик дастурларига 220 минг нафар, касб-ҳунар ўрганишга 130 минг нафар, давлат корхоналари ва хусусий сектордаги бўш иш ўринларига 110 мингдан зиёд ўғил-қизлар жалб этилиши таъкидланди.

Интернет тармоғида Ўзбек миллий контентини ривожлантириш дастури амалга оширилади. Бу мақсадлар учун 10 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Жорий йилдан бошлаб 36 та спорт федерацияси, 274 та спорт мактаби ўз ҳудудидаги маҳаллалар, мактаб ва коллежлар билан ҳамкорликда ишлайди. Ҳар бир кўча, маҳалла, таълим муассасасида спорт турлари бўйича жамоалар тузилади.

Маълумки, шу кунларда Конституцияни ислоҳ қилиш жараёни кетмоқда. Давлатимиз раҳбари бу борадаги таклиф ва ташаббусларнинг 70 фоиздан ортиғини ёшлар илгари сурганига урғу берди.

– Албатта, янгиланаётган Конституция бу – сизларнинг Конституциянгиз, – дея таъкидлади Президент.

Шавкат Мирзиёев ёшларга халқ шоири Ғафур Ғуломнинг сўзлари билан мурожаат қилди:

"Сиз ахир осмонни олмоқ бўлсангиз,
Не учун елкамни тутиб бермайин?"

Байрам шодиёнасини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 220 мингдан зиёд ёшлар кузатиб борди. Давлатимиз раҳбари улар билан ҳам видеоалоқа орқали мулоқот қилди.

Ёшлар куни арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорига мувофиқ, илм-фан, спорт, санъат, тадбиркорлик ҳамда бошқа соҳаларда юқори натижаларни қўлга киритиб келаётган бир гуруҳ ёшлар "Келажак бунёдкори" медали ҳамда "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланган эди.

Давлатимиз раҳбари ушбу мукофотларни тантанали равишда топширди.

Тадбир "Ёшлар овози" танлови ғолиблари ҳамда таниқли эстрада хонандалари иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

**ЎзА.**

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

## МУҲОКАМАЛАР ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Қурилиш вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритиладиган ўзгаришларнинг кенг муҳокамасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раиси ўринбосари Шуҳрат Полвонов, қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Давронжон Адилов ва бошқалар иштирок этишди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритиладиган ўзгаришлар мазмун-моҳиятига асосий эътибор қаратилди.**







Муҳокама чоғида Ш. Полвонов Конституцияга тузатишлар фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини, хусусий мулкчиликни, иқтисодий фаолиятнинг эркинлигини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шунингдек, унда давлат тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳит, шарт-шароитларни таъминлаши, иқтисодий фаолиятда инсофсиз рақобатга, монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги белгиланаётгани, ер қонунда назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкинлиги мустаҳкамланаётганлиги мисоллар асосида таҳлил этилди. Аҳамиятли жиҳати, давлат бюджетини шакллантириш ҳамда ижро этиш тартиб-таомилларининг очиқлиги, унинг устидан жамоатчилик назорати амалга оширилиши назарда тутилганлигидадир.

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган кенг кўламли вазифалар, халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамда қадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби мақсадлар мамлакатимиздаги туб ислоҳотларга мос янги конституциявий-ҳуқуқий маконни яратиш заруриятини туғдирмоқда. Шундан келиб чиқиб, юртимизда олиб борилаётган Конституциявий ислоҳотларда нафақат олимлар, ҳуқуқшунослар, мутахассислар, балки фуқароларнинг ўзи ҳам бевосита иштирок этмоқда.

Бу эса ўз навбатида халқимиз томонидан билдирилган таклифлар таҳлили мамлакатда амалга оширилаётган катта ўзгаришларга бефарқ эмаслиги ҳамда фуқаролар ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланиб улгурганлигидан далолатдир.

## Инсон қадри ва халқ манфаатлари билан йўғрилган КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

**Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,**
Фарғона давлат университети ректори.

**Барчамизга маълумки, Конституция бу – давлатнинг асосий қонуни, мамлакат истиқболи ва равнақининг пойдевори сифатида эътироф этилиб, давлат тузилиши, ҳокимият ва бошқарув органлари тизими, уларнинг ваколати ва шакллантирилиш тартиби, сайлов ҳамда суд тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва шахс, шунингдек, давлат ҳамда жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилаб берувчи дастуриламал, халқимизнинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттирадиган, давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусномадир.**



Дарҳақиқат, Конституция – миллат кўзгуси. Сўнгги беш йил ичида юртимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий тизими, давлат ва жамият бошқаруви, инсон ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти институтлари, сўз эркинлиги ҳамда очиқ жамият қуриш соҳаларида қатор ислоҳотлар юз бердики, ҳар бир фуқаро юксак ҳуқуқий онг ва тафаккурга, ўзининг мустақил фикрига ҳамда уни ошкора билдириш салоҳиятига эга бўлганлиги барчамизга сир эмас, албатта. Бу эса, ўз навбатида, Конституциямизга қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уни такомиллаштириш талабини юзага келтирди. Айнан ушбу мақсадда Президентимиз томонидан Конституцияга ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан конституциявий комиссия аъзолари билан учрашув ўтказилди.

Мамлакатнинг конституциявий ислоҳотлар сари юз тутаётгани шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати янада юксалаётганидан далолат беради. Бунда Президентимиз ўз маърузаларида "Ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, шаъни ва ғururини улуғлаб Ватани ва халқига тоғдек таянч бўлиб яшашга қодир, эркин ва азму шижоатли инсонлардир", дея халқимиз шижоатига юксак баҳо бердилар. Чунки ўтган йиллар давомида халқимизнинг дунёқараши, фаровон ҳаёт, мустаҳкам келажак учун қилаётган ҳаракати буткул ижобий томонга ўзгарди.

Учрашувда қайд этилган қуйидаги таклифлар ҳам фақат инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият эканлигини аён этмоқда:

– Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш;

– Шахсни ушлашганда унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушланганини содда тилда тушунтириш яъни "Миранда қоидаси"ни қўллаш;

– "Снос" тушунчаси асосида уй-жой бўйича конституциявий кафолатни белгилаш, суднинг қарорисиз ҳеч кимни уй-жойидан маҳрум қилмаслик;

– Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида маънавий ва ахлоқий етук инсон этиб тарбиялаш учун зарур шароитларни яратиши;

– Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлиги, ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳуқуқига эга ва бунга мажбурлиги;

– Устозга бўлган юксак эҳтиром. Педагог ходимларни касбий фаолиятига аралашиш уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилишга йўл қўймаслик.

Ушбу таклифлар моҳияти бизнинг конституциявий ислоҳотлар жараёнида фаоллигимиз қай даражада муҳимлигини ифодаласа, иккинчи томондан фуқароларга қаратилган ижтимоий адолат принциплари олий эканлигини билдиради. Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси "Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида"ги қонунининг 12-моддасига мувофиқ "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

Юртимизда юз бераётган ушбу жараённи очиқ демократиянинг яққол намунаси дея олишимиз мумкин. Мамлакатимиз фуқароларининг дунёқараши, мақсади, фикрлари муштарак бўлган, ўзгаришлар билан тўлдирилаётган Конституциямиз "инсон – жамият – давлат" тамойилларига тўла жавоб бера олади ва албатта халқимиз учун хизмат қилади.

# ЧИРЧИҚ: КЕЧА ВА БУГУН






**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Чирчиқ – бир пайтлар нафақат Тошкент вилояти, балки республикамизда ўзининг саноат салоҳияти, кўп миллатли аҳолисининг меҳр-оқибати ва ҳамжиҳатлиги билан донғи кетган шаҳар бўлган.**

Аммо яқин тарихга назар солсак, шаҳар қаровсиз гўшага айланганди. Бу эътиборсизлик олдинга эмас, орқага кетиш инсонлар кайфиятида ҳам зоҳир бўла бошлаганди. Минг-минглаб одамлар ишлаган йирик корхоналарнинг тўхтаб қолишида эса ишсизлик юзага кела бошлаганди. Одамларнинг яшаш шароити қийинлаша бошлаб, кўп қаватли уйларнинг ҳолати ҳам эътибор берилмаганидан абгор ҳолга келиб қолганди. Йўл, электр, газ, ичимлик суви масалаларида ҳам тақчиллик юзага кела бошлаганди. Хуллас, тақдир чирчиқликларни ўз ҳолига ташлаб қўйган эди.

Шаҳар аҳли яхши кунлар келишига умидвор эди ва уларнинг орзу-умидлари ижобат бўлди. Бу шаҳарга Давлат раҳбарининг қадами етди. Президентимизнинг 2018 йилдаги илк ташрифи шаҳарнинг саноат лойиҳаларига жон бағишлаган бўлса, 2021 йилда амалга оширилган бир эмас, икки ташриф шаҳар ҳаётини буткул ўзгартириб юборди.

Давлат раҳбарининг 2021 йил 18 март куни ташрифи чоғида шаҳар ҳаётининг бугунги ва эртанги истиқболи йўлида кўплаб ҳаётбахш лойиҳалар рўёбига йўл очиб берилди. Президент таклифи билан Чирчиқ шаҳрини инновацион ва инвестициялар шаҳрига айлантириш вазифаси қўйилди.

Юртбошимизнинг иккинчи ташрифи, яъни 2021 йил 16 октябрга қадар қилинган ишлардан эски Чирчиқ шаҳри буткул бошқа томонга ўзгарди. Авваламбор, Совет пайти қурилган кўп қаватли уйлар таъмирлана бошланди. Йўллар кенг ва равон қилиниб, ўзгача тус ола бошлади. Инфратузилма ва коммунал соҳаларида янгиланиш бошланди. Шаҳар аҳлининг чорак асрдан бери интилаётган орзулари рўёбга чиқа бошлади. Неча йиллардан буён бўш қаровсиз, қуриб ётган ерлар ўрнида "Янги Ўзбекистон" массиви қад кўтара бошлади.

Шаҳар аҳлининг чеҳраларида мамнунлик, кўзларида қувонч, кўнгилларида хурсандчилик ва хотиржамлик намоён бўла бошлади.

– Бизнинг Чирчиқ шаҳримизга ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев келганларидан кейин, улар билан суҳбатдан билдикки, бу шаҳар келажаги порлоқ шаҳарлардан бири бўлади. Яъни, шаҳарни қисқа вақт ичида беш юз минг аҳолилик шаҳар қиламиз, деб айтди у киши, – деди меҳнат фахрийси Ҳусниддин Аглаев. – Шу гаплар айтилганига ҳали кўп вақт ўтмасдан, ўзгаришлар жуда катта. Кичик туманларимизда эгасиз бинолар жуда кўп эди. У биноларнинг деярли барчаси ҳозир йўқ бўлди, сабаби улар эгасини топди. Биноларнинг янги эгалари у ерда ўз бизнесларини очиш билан бирга ён-атрофдаги ҳудудларни ободонлаштиришди. Шаҳримиз ана шундай фаровон бўлиб бормоқда. Тунда Чирчиқни ҳозир таниб бўлмайди. Илгарилари қоп-қоронғи бўлган йўлларимиз ҳаммаси ёритилган, асфальтланган. Сув масаласи ҳам етарли даражада, ҳамма имконият, шароитлар яратиб берилмоқда. Кўп корхоналаримиз иш жараёни тўхтатилган эди, эндиликда кўплаб корхоналарнинг ишга туширилиши эвазига ҳамшаҳарларимиз иш билан таъминланишмоқда. Қиёсласак, ҳаётда инсон қандай фаровон яшайдиган бўлса, демак, халқи шунчалик хушчақчақ бўлади. Ҳозир кўчада юрсангиз, ҳамма ёш-у қари шодон чеҳрада. Демак, бу ерда улар фаровон ҳаёт қураётганини англаш мумкин. Президентимизнинг бундай фаровон яшашимизга имконият яратиб бераётганидан жуда миннатдормиз.

Албатта, қад кўтараётган 9, 7 ва 5 қаватли баланд иморатларни, хонадонлардаги кўнглингдагидек шарт-шароитларни кўриб қувонасан киши. Чирчиқ шаҳрининг Ифтихор маҳалласи ҳудудида барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивида яшаш, ишлаш, дам олиш, илм олиш масканлари комплекс тарзда қурилмоқда. Бу ерда аёлларни иш билан таъминлаш учун параллел равишда тўқимачилик комбинатининг қурилиши бошланган.

Бир йил ичида Ифтихор маҳалласида 35 та кўп қаватли уйлар ва 100 та коттеж қурилди. Бугун Чирчиқ чин маънода саноат шаҳрига айланмоқда. Давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарорлар бунинг учун замин яратмоқда.

Чирчиқ шаҳри азалдан индустриал шаҳар ҳисобланган. Катта-катта корхоналарда минг-минглаб одамлар ишлаган. Лекин 90-йиллардан кейин корхоналарнинг иши тўхтаб, чирчиқликларнинг аксарияти ишсиз қолишганди.

Президентимизнинг "Тошкент вилоятида "Чирчиқ" кимё-индустриал технопаркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳудудда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, минерал хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорларга рақобатбардош маҳсулотларни етказиб беришга хизмат қилади. Технопаркнинг умумий майдони 31,22 гектар бўлиб, жорий йилнинг 23 март куни расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу корхона юздан ортиқ кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Шаҳарда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан бирга, таълим сифатини ошириш, янги ўқув масканларини барпо этиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мавжуд яроқсиз мактабларни капитал таъмирдан чиқариш учун маблағлар ажратиб берилди. Эндиликда янги таъмирдан чиққан мактабларда болажонларнинг таълим олишларига барча шароитлар яратиб берилмоқда.

– Мен кўп йиллар халқ таълими соҳасида меҳнат қилган бўлсам-да, тарихда бундай воқеликни биринчи маротаба кўрдим, – деди Ифтихор маҳалласидаги 7-мактаб директори Мавжуда Аширова. – Юртбошимиз Чирчиқ шаҳрининг чекка ҳудудидаги бизнинг мактабимизга йил ичида икки маротаба ташриф буюрди. Биринчи ташриф давомида мактабимиз нақадар яроқсиз, ўқувчиларимизга шароит яратилмаган ҳолатда эди. Давлатимиз раҳбари келиб кетганидан кейин мактабдаги шароитларни яхшилашга жуда катта маблағ ажратилиб, уч ой давомида чиройли, мўъжизакор таълим муассасаси қайтадан бунёд этилди. Бундан биз, айниқса, болажонларимиз, уларнинг ота-оналари жуда хурсандмиз. Атрофга қаранг, шу қадар чиройли спорт майдонлари, мактаб ҳовлисининг ўзидан инсоннинг хурсанд бўлмаслигининг иложи йўқ. Бунга албатта, Юртбошимиз сабабчи.

Чирчиқ шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ҳақида гапирсак, гап жуда кўп. Янтоқзор бўлиб ётган ташландиқ чўлда бир йил ичида бутун шаҳар барпо этиляпти, Чирчиқ буткул янги қиёфага киряпти деган гапларимизга кимдир балки ишонмас. Халқимизда "Минг марта гапиргандан кўра, бир марта кўрган афзал" деган ибратли нақл бор. Ишонмаганлар ана шу нақлга амал қилишса, гапларимиз ҳақиқат эканига амин бўлишади.

# ВОДИЙ ЯНАДА КЎРКАМ ҚИЁФАГА КИРАДИ

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ҳар бир ҳудуднинг маҳсулоти билан ўз "бренди" бўлгани каби Фарғона вилоятининг Олтиариқ тумани ўзининг олтинмонанд товланувчи узумлари билан донг таратган. Бу каломнинг замирида, албатта, катта ва машаққатли меҳнат ётгани сир эмас. Кексалар билан суҳбатлашиб қолсангиз тиниб-тинчимас олтиариқликлар, деган иборани кўп ишлатишади. Ана шу фикримизга мисол тариқасида йиллар давомида экин экилмаган Қапчуғай қир-адирликларида минг гектар ерда боғ бунёд этилганини эшитган фарғоналиклар ҳалиям ишонишмаяпти. Лекин бу – ҳақиқат.**




Бугун Олтиариқда халқимиз ризқ-рўзи учун янги манба пайдо бўлди. Қир-адирликларда экинларни суғориш учун юзлаб метр чуқурликдан қудуқлар қазилди. Тонналаб сув сиғимига эга ҳовузлар ташкил қилиниб, махсус ускуна ва қувурлар орқали экинларни томчилатиб суғориш йўлга қўйилди.

Даштда янги ўзлаштирилган ерларнинг 560 гектарида Ҳусайни, Келинбармоқ, Ризамат, Кишмиш каби харидоргир узум навлари, шунингдек, 300 гектар ерда интенсив боғ яратилиб, хорижда ҳам харидоргир олма, гилос ва ўрик кўчатлари экилди. Ёш кўчат ниҳоллари юксак агротехник талаблар асосида экилгани туфайли бугун кўкариб, япроқ ёзиб, кўкка бўй чўзяпти. Аста секинлик билан атрофни яшиллик эгаллаяпти. Қир-адирлар инсон ақл-заковатига, идрокига бўйсунди.

Мевали кўчатлар иссиқ ҳароратда қуриб қолмаслиги учун қатор ораларига тарвуз экилди ва айни кунларда бозорбоп ҳолга келиб қолди. Бундан ташқари, бозор талабига мос қалампир, булғор қалампири, бодринг, ошқовоқ, турли кўкатлар ва бошқа полиз маҳсулотлари етиштириляпти. Бу экинлар аҳоли даромадини оширишга ва шу тариқа пишиб етилган сара маҳсулотлар экспортини оширишга хизмат қилади.

Ҳудудда замонавий агросаноат мажмуи яратилади. Яъни, 1 минг 500 тонна сиғимли музлаткичли омбор, маиший хизмат шохобчалари барпо этилиб, 6 та мини-трактор ва 10 та юк машинаси сотиб олинади. Айни кунларда юқоридаги тайёр боғ ва токзорлар кам таъминланган оилалар, ишсиз ёшларга хусусийлаштириб, бўлиб бериляпти. Ҳозир ер эгаларига деярли иш қолмаган. Сабаби, энди қир-адирда ҳам сув муаммо эмас. Экинлар тонналаб сув сиғимига эга ҳовуздан махсус мосламалар орқали томчилатиб суғориляпти. Ер эгаси бу ёғига ҳосилни йиғиштириб олиб, даромадни ўйлаши керак, холос. Бу ҳам юртбошимиз томонидан камбағалликни қисқартириш, ишсиз ёшларни меҳнатга жалб қилиш мақсадида фуқароларга яратиб берилаётган шароит.

Айни пайтда бу ерда иш қизғин. Экинларни томчилатиб суғоришга мослаштирилган сув сақлаш ҳовузи, яъни, эни 30 метр ва узунлиги 40 метр, чуқурлиги 8 метр бўлган 5-мембрана қуриляпти. Бу ишни бажариш Бағдод туманидаги ер ости зах сувларини қочиришга ихтисослашган давлат унитар корхонаси чекига тушган. Ҳозирда бундай мембраналарнинг 4 таси ишга туширилган ва кўчатлар томчилатиб суғориляпти. Ушбу усулнинг қулай томони шундаки, эндиликда минерал ва маҳаллий ўғитлар ҳамда турли ҳашаротларга қарши қўлланиладиган препаратлар экинга тўғридан-тўғри томчилатиб суғориш орқали етказилади. Асосийси, ортиқча оворагарчиликка йўл қўйилмайди, сув ва ўғитлар иқтисод қилинади.

– Корхонада экскаватор ҳайдовчиси бўлиб ишлайман, – деди Шарофиддин Сатторов. – Жамоамиз далалар ва маҳаллалардаги мавжуд зовурларни тозалаш, қазиш орқали ер ости зах сувларни қочириш билан шуғулланади. Шу касбда ишлаётганимга 35 йилдан ошди. Насиб қилса, 4 йилдан кейин пенсияга чиқаман. Ўтган йиллар ичида вилоятимизнинг жуда кўплаб туманлари ва қишлоқларидаги зовурларни тозалаш ва захини қочириш ишларида қатнашдим. Ҳашар йўли билан Сирдарё вилоятининг Сардоба туманига ҳам бориб, сув омборини қуриш ва таъмирлаш ишларида иштирок этдим. Касбимдан фахрланаман. Чунки шу касбдан бола-чақа орттирдим. 3 ўғлимни уйлаб-жойладим. Ҳозир 7 нафар ширindan-шакар набираларим бор.

**– Маҳаллада ёши улуғлардан бириман, – деди "Қизилтепа" МФЙ ҳудудидаги Низомий номли кўчада яшовчи Аҳмаджон ота Мўйдинжонов. – Туманимиз раҳбарлари, тадбиркорларимизнинг елиб-югуриши билан маҳалламизнинг инвестиция дастурига киритилгани жуда яхши бўлди. Мана, тоза ичимлик суви келтириляпти. 10-15 кунда битади, дейишмоқда ходимлар. 3 км.га яқин йўлимизга асфальт ётқизилди. Маҳалламиздаги 35 та хўжаликда 500 га яқин аҳоли яшайди. Илгари ҳудудимиздаги Исроилжон фермер чиқарган сувдан ташиб келардик. Энди эса инсонларга бўлган ғамхўрликни қаранг – ҳар бир хонадонга сув тармоғи тортиб бериляпти. 68 ёшдаман. 14 ёшимдан то нафақага чиққунимча колхозда ишлаганман. 6 фарзанд, 12 набира ва 4 нафар чеварам бор.**

Ўтган йилларда марказдан анча узоқ қишлоқларга, фуқароларга бу даражада эътибор берилмаган. Энди эса шахсан юртбошимиз томонидан нафақат туман марказлари, балки қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам аҳоли учун яратилаётган шароитлар, шу жумладан, тоза ичимлик суви билан таъминлашга катта эътибор берилаётганини кўриб, хурсанд бўламиз ва қўлимиз дуодан тушмаяпти. Шу ишни бошида турганлар барака топишсин, умрлари зиёда бўлсин.

**"Қизилтепа" МФЙ ҳудудидаги "Обод маҳалла" дастурига кўра мукаммал таъмирга тушган 29-умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 1 млрд 700 млн сўм маблағ молиялаштирилган. Бу ишни тендер орқали ютиб олган "Само кўрки" МЧЖ бунёдкорлари вақт билан ҳисоблашмай, кўнгилдагидай бажаришмоқда.**

– Жамиятимиз шу ном билан фаолият олиб бораётганига эндигина 4 йилдан ошди, – деди иш юритувчи Абдукамол Эркинжонов. – Ўтган йиллар ичида тумандаги кўплаб объектларда қурилиш-монтаж ишларини олиб бордик. Ишимизда доимо сифатга катта эътибор қаратганимиз туфайли бўлса керак, буюртмачиларимиз кўпаймоқда. Бу албатта, бизга биринчи навбатда мижозларнинг ишончи бўлса, қолаверса катта масъулият ҳам юклайди. Ҳозир объектда 40 нафар тажрибали усталаримиз меҳнат қилишяпти. Бинонинг ташқи ва ички фасад қисмида ишлар якунланиб, пардозлаш ишлари олиб борилияпти. Қисқа вақт ичида бинонинг иссиқлик тизимлари ва электр тармоқлари янгиланиб, том ва девор қисми таъмирланди.

Бундан ташқари, ушбу фирма бунёдкорлари туманнинг Полосон қишлоғидаги тоза ичимлик суви тармоғини тортиш объектида, шунингдек 6-, 5- ва 20-мактабгача таълим ташкилотлари биноларини жорий таъмирлаш ишларини олиб боришмоқда.

Туманда "Open byudjet" дастури бўйича "Бирлашган" ҳамда "Жарқўрғон" МФЙлар ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадлари учун ажратилган маблағга сув қудуқлари ва иншоотлари қазилиб, тармоқлар тортиляпти. Шунингдек, "Зилха" МФЙда "Best stroy – 2020" МЧЖ томонидан 2,5 километр ва 3,2 километрли ички йўлларни таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, жамият аъзоларининг фидойиликлари туфайли белгиланган вазифалар қисқа муддатда якунига етказилди.

**Туманда ижтимоий соҳа объектлари қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 15-умумтаълим мактаби биносининг ўқув хоналарини таъмирлаш "Саходулло Муборак" МЧЖ томонидан бажариляпти. Бунёдкорлар 450 млн сўм қийматидаги ушбу объектни муддатидан аввал фойдаланишга топширишни мақсад қилишган. Бундан ташқари, "Олтиариқ бунёдкор қурилиш файз" ҳамда "Oltiariq Buldigs" МЧЖ ишчи-хизматчилари томонидан 1- ҳамда 14-умумтаълим мактабларида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатли амалга оширилмоқда.**

Инвестиция дастури доирасида Ибн Сино номидаги МФЙда "296-ХИКМК" МЧЖ томонидан тоза ичимлик суви тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 3 млрд 993 млн сўм маблағ ажратилган. Бунинг учун 1 та сув қудуғи таъмирланиб, 1 та сув иншооти ўрнатилади. Режадаги 4 км.га тармоқ тортилди ва мавжуд қудуқни таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Шунингдек, "Полосон" ва Муқимий номидаги МФЙлардаги умумий қиймати 3 млрд 183,1 млн сўм бўлган ичимлик суви тизимлари қурилиши "Фарғона кристал қурилиш" хусусий корхонаси томонидан бажариляпти.

"Обод қишлоқ" дастури доирасида ҳар бирининг объект қиймати 1 млрд 800 млн сўмдан бўлган "Қизилтепа" ва "Бунёдкор" МФЙлар ҳудудларидаги аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва ички йўлларни таъмирлаш "Файзли Алимардон" хусусий корхонаси томонидан амалга оширилмоқда.

Бу улкан бунёдкорликлар натижасида гўзал водий янада кўркам қиёфага кириши шубҳасиз.

# ЧИЗМАЛАРДА АКС ЭТГАН ҲАЁТ

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ҳар қандай қурилиш лойиҳадан бошланади. Чизмаларда акс этган режалар туфайли Ватанимиз гуллаб-яшнамоқда, шаҳар ва қишлоқлар файзга тўлиб, чирой очяпти. Барпо этилаётган уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, савдо ва маиший хизмат нуқталарининг меъморий кўриниши, дизайни одамлар қалбига қувонч бағишлаётир.**



Ана шу лойиҳалар қаерда, ким томонидан яратилмоқда? Бу саволга жавоб топиш қийин эмас, албатта. Чунки айни пайтда республикамизда фаолият кўрсатаётган минглаб меъморларимиз, лойиҳачилар ўз ижод лабораторияларида ана шундай мукаммал ишларни амалга ошираётгани барчага маълум. Самарқанддаги "Сафолойиҳа" МЧЖ ҳам шундай жамоалардан ҳисобланади. Айтиш жоизки, жамоа 2015 йилда ташкил топган бўлса-да, изланувчанлиги, янгиликка интилиши туфайли жамоатчилик назарига тушган.

– Йигирма беш нафар жамоа асосан ёшлардан иборат, – деди жамият директори Далер Сафоев. – Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини тамомлаган йигит-қизларнинг ўз касбига садоқати ва соҳа сирларини ўрганишга бўлган қизиқиши барча ютуқларга йўл очмоқда. 2022 йилда уларнинг саъй-ҳаракати билан инвестиция дастурига киритилган олтита бинонинг лойиҳаси тендерда ғолибликни қўлга киритгани ҳам шундан. Шунингдек, 2 та туманда "Обод қишлоқ" дастури бўйича йирик лойиҳа амалга оширилиб, ижрога йўналтирилди. Ходимларимиз давлат аҳамиятига молик катта режаларда таклиф-мулоҳазалари билан фаол қатнашишяпти. Бундан ташқари, улар индивидуал лойиҳалар яратиб, ландшафт меъморчилиги борасида қувончли натижага эришишмоқда.

"Сафолойиҳа"нинг ютуқларидан яна бир шундаки, бу ерда ишчи-хизматчилар учун барча шароитлар яратиб берилган.

# БЎШ ТУРГАН БИНОЛАР УЧУН СОЛИҚ ТЎЛАНМАЙДИ

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Тадбиркорлик муҳитининг ривожланишида солиқ имтиёзларнинг ўрни беқиёс аҳамиятга эга. Бу турдаги имтиёзлар бир томондан тадбиркорга ўз ишини ривожлантириш учун моддий кўмак берса, иккинчи томондан маълум муддат давомида тақдим этилган солиқ имтиёзлари ортида тадбиркорликни тиклашга туртки бўлади. Жумладан эндиликда ишбилармонлар бўш турган иншоотлар учун солиқ тўловларидан озод қилинади.**

Замонавий иқтисодиёт ривожига, хусусан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири бу давлатнинг амалдаги солиқ сиёсати ҳисобланади. Тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг фаол сиёсати олиб борилаётган, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари яратилган ва қўлланилаётган мамлакатларда бизнес ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг марказий бўғинида солиқ соҳасидаги ислоҳотлар турибди. Мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш тизимини ривожлантиришга урғу берилмоқда. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган алоҳида дастур ишлаб чиқишга эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан эришилган натижаларни таҳлил қилиш билан биргаликда ушбу йўналишда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам анча самарали бўлди.

Айтиш жоизки, яқинда қабул қилинган "Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони бу борада ижобий қадам бўлди. Солиқ қонунчилиги талабларини енгиллаштириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигининг янги воситаларини самарали жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини камайтириш ва бизнес юритишни соддалаштириш мақсадида 2022 йил 1 июлдан бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек, тугалланмаган қурилиш объектларига яъни фойдаланилмаётган объектлар ҳамда ушбу объектлар билан банд бўлган ер участкаларига нисбатан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш, солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг амал қилишини тўхтатиш тартиби бекор қилинади.

Миллий иқтисодиётимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожланиши учун хорижий тажрибани ўрганиш эвазига ўтмиш хатоларни такрорламаслик, дунё мамлакатларида асрлар давомида тўпланган тажрибадан самарали фойдаланиш ва замонавий бозор ўзгаришлари жараёнини тезлаштириш лозим бўлади. Бу жараёнда мамлакатимиздаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий шароитни инобатга олиб давлат тадбиркорлик субъектларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун кўплаб тадбирларга қўл урмоқда. Албатта, бу каби иқтисодий енгилликларга қаратилган реформациялар ўлкамизда ишбилармонлик муҳитининг ортишига сабаб бўлади.

## ҚАШҚАДАРЁДАН ДАРАКЛАР

# ҒУЗОРДА "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МАССИВИ

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
"Oʻzbekiston bunyodkori" мухбири.

**Жорий йилнинг 21-22 апрель кунлари юртбошимиз Қашқадарёга ташрифи доирасида мутасаддиларга "Ўзбекнефтгаз" АЖ томонидан янги ташкил этилган "GTL" заводи ишчиларини уй-жой билан таъминлаш тўғрисида топшириқ берган эди.**

Мазкур топшириқ ижросини амалга ошириш мақсадида Ғузор туманининг Мустақиллик маҳалласи ҳудудида кўп қаватли турар жой бинолари босқичма-босқич барпо этилмоқда. Ҳозирда 240 хонадонли 12 та кўп қаватли турар жойлар қурилиши бошланган бўлиб, бугунгача 80 та хонадондан иборат 4 та турар жой биноси ўз эгаларига топширилди.

Айни кунда 6 та қурилиш корхонаси томонидан массивда 160 та хонадонга мўлжалланган 8 та 5 қаватдан иборат турар жойларда қурилиш, пардозлаш, электр монтаж, сантехника ишлари амалга оширилиб, 300 нафарга яқин ишчилар меҳнат қилмоқда.



# Ёшлар саноат зонаси иш бошлади

**Мамлакатимизда ёшларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ижобий самара бермоқда. Президентимизнинг "Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ туман ва шаҳарларда ёшлар кичик саноат зоналари ташкил этилмоқда.**



Мазкур қарорга асосан Қарши шаҳрида жойлашган "Хонтепа" МФЙ ҳудудидаги 2 гектар ер майдонида ташкил этилаётган дастлабки ёшлар саноат зонаси фаолиятини бошлади. Мазкур саноат зонасининг мавжуд 24 та лотида ёш тадбиркорлар томонидан 27 миллиард сўм ҳажмдаги 21 та лойиҳалар реализация этилди. Қисқа вақт ичида ушбу лойиҳаларнинг 18 таси 23 млрд сўм маблағ ҳисобига ишга туширилиши натижасида 300 дан ортиқ иш ўрни ташкил этилди.

Мазкур саноат ҳудудининг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими Муротжон Азимов сўзга чиқиб, бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотлардан оқилона фойдаланган ҳолда аҳолининг даромадларини ошириш, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича ўз фикрларини билдириб ўтди.

## "Qoraqalpoq mulk markazi" МЧЖ

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг 2022 йил 29 июндаги 01-03-1211-сонли алоқа хатига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 121-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

1. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 885 DAA бўлган, қониқарсиз, таъмирталаб ҳолатдаги "Нексия" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 19 679 000 сўм.

2. 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 765 HAA бўлган, қониқарсиз, таъмирталаб ҳолатдаги "Дамас" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 27 279 000 сўм.

**Аукцион савдо 2022 йил 1 август куни соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" уй манзилида жойлашган "Qoraqalpoq mulk markazi" МЧЖ биносида ўтказилади.**

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** аукцион савдодан бир кун олдин соат 18.00 тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Qoraqalpoq mulk markazi" МЧЖ савдо ташкилотчисининг АТБ "Турон банк" Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 2049 4201 6001 МФО 00585 СТИР 302 129 374 ОКОНХ 84200.

**Аукцион савдо ўтказиладиган манзил:** Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" уй.

**Тел.:** 61-222-84-44.

**Расмий сайтимиз:** www.rmm.uz

*9506 рақамли гувоҳнома.*

## "Тошкент минтақа" МЧЖ

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога "Ўзгидроэнергоқурилиш" АЖнинг 2022 йил 28 июндаги 01-11/921-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 39-"А" уй манзилида сақланаётган "Ўзгидроэнергоқурилиш" АЖ тасарруффида бўлган "Energoissiqlikmontaj" УК баҳолаш хулосасига асосан (кўчмас мулк бино ва иншоотлари мавжуд эмас), мулкий мажмуа асосий воситалар (автотранспорт воситалари ва бошқа кўчар мулклар), товар-моддий бойликлар, дебиторлик қарзлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, корхоналарнинг кредитор қарзлари, солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича ва ҳисобланган пенялардан қарздорлик, иш ҳақи бўйича қарздорлик бошқа кредитор қарзлар, келажакда ҳисобланадиган пенялар (кўчмас мулк бино ва иншоотлари мавжуд эмас), (қарздорлик ҳозирда (2 000 000 000) икки миллиард сўмни ташкил этади) қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 278 450 289 сўм.

Аукцион савдолари 2022 йил 29 июль куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** савдо ўтказилишидан бир кун аввал соат 16.00 гача.

Қайд этилган мулклар 2022 йил 29 июль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2022 йил 5, 12 август кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар савдо ўтказилишидан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 банк кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Ғолиб харидорга "Energoissiqlikmontaj" УК активлари билан бирга, унинг барча жорий мажбуриятлари ҳамда кейинчалик вужудга келиши мумкин бўлган тўловлар, шу жумладан коммунал ва солиқлар бўйича ҳисобланадиган пеня ва бошқа тўловларни зиммасига тўлиқ олиш мажбурияти юклатилади (огоҳлантириш). Ғолиб харидор мулкий мажмуани (кўчмас мулк бино ва иншоотлар мавжуд эмас), сотилиш баҳосидан 5 фоиз савдо ташкилотчисига тўлаб беради.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АЖ "Капиталбанк"даги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари лозим:** 2020 8000 4053 6301 3002 МФО 01136 СТИР 308 305 364.

**Аукцион савдо ўтказиладиган манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

**Тел.:** 71-233-28-52, 90-358-38-07, 90-971-20-00.

*965941 рақамли гувоҳнома.*

### ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

## "Koʻchmas mulk xizmatlarini koʻrsatish jamiyati" МЧЖ

### очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

"Koʻchmas mulk xizmatlarini koʻrsatish jamiyati" МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2022 йил 28 июндаги 189-сонли буюртманомасига асосан, қурилиши режалаштирилаётган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

"Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчаларининг сони** – 20 дона, **савдо шохобчалари ҳар бирининг майдони** – 9 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчаси ҳар бирининг бошланғич баҳоси** – 145 440 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 29 июль куни соат 16.00 гача.

**Талабгорларнинг таклифлари 2022 йил 2 август куни соат 11.00 дан** бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2022 йил 16, 30 август, 13, 27 сентябрь, 11, 25 октябрь, 8, 22 ноябрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Такрорий савдолар учун ариза буюртманомаларни қабул қилиш танлов ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 16.00 гача.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

**жисмоний шахслар** – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

**Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида "Koʻchmas mulk xizmatlarini koʻrsatish jamiyati" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2020 8000 5053 3172 3021 ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 308 112 732.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С. Азимов 5-тор кўчаси, 5-"а" уй.

**Телефон:** 99-277-07-40.

## "Koʻchmas mulk xizmatlarini koʻrsatish jamiyati" МЧЖ

### МАЪЛУМ ҚИЛАДИ!

Очиқ танлов савдоларига "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2022 йил 13 майдаги 139-сонли буюртманомасига асосан, қурилиши режалаштирилаётган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқига "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2022 йилдаги 35 (13492)-сонида ҳамда "Ўзбекистон бунёдкори" газетасининг 2022 йил 17 майдаги 35 (588)-сонида танлов савдоси ўтказиш бўйича эълонлар берилган бўлиб, "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчаларининг сони** – 58 дона, **савдо шохобчаларининг майдони** – 24 квадрат метрдан иборат бўлган савдо шохобчаларининг майдони ўзгаргани сабабли 20 квадрат метрдан белгиланганини маълум қиламиз. **Савдо шохобчалари ҳар бирининг бошланғич баҳоси** – 317 140 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар юқорида кўрсатилган хабарномада чоп этилган такрорий танлов ўтказиш саналарда ўтказилишини маълум қиламиз.

**Асос:** "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2022 йил 30 июндаги 194-сонли хати.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С. Азимов 5-тор кўчаси, 5-"а" уй.

**Телефон:** 99-277-07-40.

## Правительство Республики Узбекистан

### получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:

| Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы | Срок строительства |
|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-SYR-W-04 | Реконструкция ДОУ №28 (90 мест) в СГМ "Озодлик" Баяутского района Сырдарьинской области | 2 418 318 303 сум без НДС | 84 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-07 | Реконструкция ДОУ №14 (120 мест) в СГМ "Ифтихор" Баяутского района Сырдарьинской области | 3 420 281 777 сум без НДС | 165 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-05 | Реконструкция ДОУ №34 (120 мест) в СГМ "Узбекистон" Баяутского района Сырдарьинской области | 4 322 652 974 сум без НДС | 195 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-02 | Реконструкция ДОУ №8 (90 мест) в СГМ "Кайирма" Хавастского района Сырдарьинской области | 2 997 012 543 сум без НДС | 145 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-19 | Реконструкция мелиоративной дренажной системы в СГМ "Кахрамон" Хавастского района Сырдарьинской области | 297 549 875 сум без НДС | 90 календарных дней |

### Инжиниринговая компания "Служба единого заказчика" при Сырдарьинском областном хокимияте

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка", и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 300 000 сум.

| | |
|---|---|
| **Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области**<br>**Адрес:** г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж).<br>**Факс:** 67-227-64-42.<br>**Тел.:** 67-227-64-48.<br>**E-mail:** tender-12@mail.ru | **Получатель:** Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области<br>**Банковские реквизиты:**<br>**р/с:** 2021 0000 3038 3676 6001<br>Сырдарьинский филиал<br>АО "НБУ ВЭД РУз"<br>**ИНН:** 202 585 476 **МФО:** 00363 |

**Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Залоговое обеспечение *(сум)* |
|---|---|---|
| MOEI-RIDP-SYR-W-04 | Реконструкция ДОУ №28 (90 мест) в СГМ "Озодлик" Баяутского района Сырдарьинской области | 48 366 366 |
| MOEI-RIDP-SYR-W-07 | Реконструкция ДОУ №14 (120 мест) в СГМ "Ифтихор" Баяутского района Сырдарьинской области | 68 405 636 |
| MOEI-RIDP-SYR-W-05 | Реконструкция ДОУ №34 (120 мест) в СГМ "Узбекистон" Баяутского района Сырдарьинской области | 86 453 059 |
| MOEI-RIDP-SYR-W-02 | Реконструкция ДОУ №8 (90 мест) в СГМ "Кайирма" Хавастского района Сырдарьинской области | 59 940 250 |
| MOEI-RIDP-SYR-W-19 | Реконструкция мелиоративной дренажной системы в СГМ "Кахрамон" Хавастского района Сырдарьинской области | 5 950 998 |

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16:00 (по ташкентскому времени) 18 июля 2022 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Адрес для подачи предложений:**
Консалтинговый центр по организации тендерных торгов в строительстве.
**Адрес:** Сырдарьинская обл., г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж).
**Факс:** 67-227-64-42.
**Тел.:** 67-227-64-48.
**E-mail:** tender-12@mail.ru

**Ответственный представитель консалтингового центра:** Сангиров Алишер.

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

### Июль ойининг илк кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК бош мутахассиси **Азизбек Искандаров,**

Андижон вилояти, Хўжаобод тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Зафарбек Абдураҳмонов,**

Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектор **Одилжон Исроилов,**

Хоразм вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи **Мансур Аллаберганов,** Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими бошлиғи ўринбосари **Алишер Кариев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

# ТОҒ БАҒРИДА ЎТГАН ТАНЛОВ

## кўплаб иқтидорли ёшларни кашф қилди

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.




**Айни саратон палласи. Пойтахтдаги чидаб бўлмас иссиқ ҳаво ҳаммани ҳолдан тойдирган. Биз ўтирган улов шаҳардан чиқиб, Тошкент вилояти ҳудудига кириши биланоқ юзимизга салқин шамол урилди. Тоза ҳаводан мириқиб нафас оларканмиз, озгина масофа оралиғида об-ҳавонинг фарқи шунчалик сезилганига қойил қолдик.**

Яна бир оздан сўнг сўлим Паркент тумани ҳудуди бошланди. Автомобиль ойнасидан ташқаридаги манзарага маҳлиё бўлиб боқарканмиз, кўкка бўй чўзган пурвиқор тоғлар бағрида ям-яшил бўлиб товланаётган арчалар, худди чапак чалиб кутиб олаётгандек шовуллаб турган тераклар, жилдираб оқаётган сувлардан иборат манзара кайфиятимизни янада кўтарди. Худди шундай кўтаринки кайфиятда Паркент туманидаги “Кумушкон” спорт-соғломлаштириш мажмуасига етиб келдик.

Ўйлаганингиздек, биз бу ерга фақат дам олишга эмас, Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан анъанавий ўтказиб келинаётган “Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси” танловининг Республика босқичини ёритиш учун келдик. Ташкилотчиларнинг танловни шаҳарда эмас, айнан тоғ қўйнидаги сўлим масканлардан бирида ўтказишни режалаштиргани эса барчага бирдек манзур бўлди, десак адашмаган бўламан.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги томонидан келишилган “2022 йилда ёшларга оид сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар” дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида мамлакатимизда мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини, ўз касбини пухта ўзлаштирган баркамол авлодни вояга етказишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ёшларнинг истеъдодини намоён қилиш, танланган касб ва ихтисосликларни чуқур ўрганишга қизиқишини кучайтириш, иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш ва рағбатлантириш, касбий маҳорати ва малакасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир тадбирлар шулар жумласидандир.



Худди шу мақсадда Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг 2022 йил 10 июндаги 6-7“с”-сонли қарори тасдиқланиб, “Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси” танлови ўтказилди. Унда транспорт, қурилиш корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 25-35 ёшдаги ишчи, мутахассислари ўз лойиҳалари билан қатнашишди.

– Танловнинг ҳудудий босқичлари апрель-май ойларида ўтказилиб, корхона, хизмат кўрсатиш шохобчалари, қурилиш ташкилотлари ва олий таълим муассасалари ходимлари орасидан 200 нафарга яқин 35 ёшгача бўлган ёшлар қатнашди, – деди Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Султонов. – Республика босқичида эса ҳар бир вилоятдан “Энг фаол ёш қурувчи” ҳамда “Энг фаол ёш транспортчи” номинациялари бўйича бир нафардан иштирокчи қатнашиб, қурилиш, қурилиш-лойиҳалаш ишлари, умумий қурилиш устаси, йўл қурилиш ва транспорт соҳаларида ўзлари эришган ютуқлар ва маҳоратини намойиш этдилар. Бу танлов ёшларга фақат ғолиб бўлиш эмас, балки янги дўстлар орттириб, ўзаро тажриба алмашиш, яратган ғоялари билан ўртоқлашиш имкониятини бергани билан ҳам аҳамиятлидир. Ҳар икки йилда анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган танловда қатнашиб, ғолиб бўлаётган ёшлар бугун халқаро миқёсдаги танловларда ҳам фаол иштирок этишмоқда. Яқинда 180 та давлатдан иборат Халқаро транспорт федерациясига аъзо бўлдик. Ундан ташқари, МДҲ давлатлари ўртасида тузилган касаба уюшмалари бирлашмасининг аъзосимиз. Ҳозирги кунда Озарбайжон, Туркия, Россия, Беларусь, Украина, Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистон давлатлари билан ҳамкорлигимиз бор. Энди Женевада фаолият юритадиган Халқаро қурилиш федерациясига ҳам аъзо бўлиш ниятидамиз.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар босқичларида ғолиб бўлган ҳар бир йўналиш бўйича 14 нафардан 28 нафар йигит-қизлар иштирок этишди. “Энг фаол ёш қурувчи” ҳамда “Энг фаол ёш транспортчи” номинациялари бўйича қатнашчиларнинг иш фаолиятига оид ва эришган ютуқларини акс эттирувчи, тегишли ташкилот раҳбари томонидан имзоланган тавсиянома, меҳнат фаолиятида эришган ютуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар, ижодий, бадиий ва илмий ишларининг нусхалари, янги ишланма ва лойиҳалари, лойиҳани татбиқ қилиш механизми ва унинг самарадорлиги ҳақида маълумотлар, оммавий ахборот воситаларида ўз соҳасига оид мавзуларда чоп этилган мақолалари, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маънавий етуклиги, жамоат ишларида фаоллиги ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

Билими, малакаси, ютуқлари ва яратган янгилиги ҳақида тақдимот қилаётган иштирокчиларни холислик билан баҳолаш ҳакамлар ҳайъати аъзоларига ҳам осон эмас. Зеро, яхшилар орасидан энг яхшисини танлаб олиш катта масъулият талаб қилади.

**Низомиддин БУРОНОВ,**
Тошкент архитектура-қурилиш институти, “Интерьер ва ландшафт дизайни” кафедраси доценти:

– Бу каби танловлар биринчидан, фаолияти ўхшаш мутахассислар ўртасида тажриба ва фикр алмашиш учун яхши восита бўлади. Қолаверса, танловлар ёшлардаги очилмаган қирраларни очишга, ўз иқтидорини кўрсатиб беришга ҳам имкон яратади. Танлов республика миқёсида ўтказилаётгани учун ташкилий ишларга янада кўпроқ эътибор қаратилса, яхши бўлар эди. Масалан, ҳужжатлар қабул қилиш жараёнини оладиган бўлсак, баъзи иштирокчиларда низомда кўрсатилган ҳужжатларнинг барчаси тўлиқ эмаслигини кўриш мумкин. Бундан ташқари, иштирокчилар махсус кийим ва бейжик каби воситалар билан ҳам таъминланса, бошқалардан ажратиш осон бўлар эди. Тақдимотларни кузатиб, ёшларда қизиқувчанлик ва яратувчанлик кучли эканини кўрдик. Хусусан, самарқандлик иштирокчининг маҳаллий хомашёдан фойдаланиб яратган инновацион қурилиш материали ростдан ҳам соҳада катта янгилик десак арзийди. Хоразмлик йигит ҳам қурилиш соҳасида янги технологиялардан яхши хабардор экани билан бизни қойил қолдирди. Унинг ўзи яратган лойиҳаларни экспортга чиқаргани эса катта воқеа. Мана шундай иқтидорли ёшларни кашф қилишга ёрдам бергани учун ҳам ушбу танлов катта аҳамиятга эга деб ўйлайман.

Улкан тажриба майдонида билим ва маҳорати билан баҳслашаётган иштирокчиларнинг ҳам таассуротлари барчага қизиқ бўлса керак. Аввало, “Энг фаол ёш қурувчи” номинацияси бўйича қатнашаётган ёшларнинг фикрларига қулоқ тутдик.

**Оразмед МАТЖАНОВ,**
Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи махсус фан ўқитувчиси:

– Ушбу танловга лойиҳаланаётган биноларни янги технологияга ўтказиш юзасидаги тақдимотим билан қатнашдим. Бу технология ёрдамида вақтни тежаш, реалликка асосланган виртуал олам орқали қуриладиган бино ва иншоотларни яратиш мумкин. Бунда бино ва иншоотлар қурилмасдан олдин унинг битган ҳолати қандай бўлишини виртуал олам орқали кўриш имкони яратилади. Бу лойиҳа орқали сиз иш жойингиздан чиқмаган ҳолда ўзингиз истаган томонга қараб атрофни кузатишингиз, бино ва иншоат бўйлаб юриб томоша қилишингиз, уйқу олдидан севимли хонангизга сайр қилишингиз мумкин. Номидан ҳам кўриниб турибдики, бу – ўзига хос реал тасвир ҳисобланади, фақат бир томонлама камерадан олинган эмас, балки тасвирни кўришда 360 даражали атрофга қараш имкони мавжуд. Нафақат горизонтал, балки ҳатто вертикал йўналишда ҳам! Буларнинг фарқини содда тарзда қуйидагича тушунтириш мумкин: 360 даражали панорамали видеолавҳа кўраётиб, сиз “камера билан бирга юриб”, шунинг баробарида 360 даражада атрофга қарай оласиз. Масалан, видеолавҳа коридор бўйлаб юриб тасвирга туширилган, коридорнинг икки томонида очиқ эшиклар орқали хоналарнинг ичлари кўриниб турибди. Видеооператор шу коридор бўйлаб юриб ўтган, хоналарга кирмаган. Сиз тасвирни кўраётиб, ўша коридор бўйлаб юргандек бўласиз, орқангизга қайрилиб ва юқорига бошингизни кўтариб ҳам қарай оласиз. Энди худди шу лавҳа виртуал реаллик, яъни VR-видео тарзида олинган бўлса, сиз нафақат коридор бўйлаб юриб ўтасиз, балки ён томондаги ўзингиз шу тобда истаган бирор хонанинг ичига кириб кўришингиз мумкин бўлади. Бу каби янги технологиялар қурилиш ишларини янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

**Мурат АРИПБАЕВ,**
“Қарақалпақ қурилиш-монтаж бошқармаси” МЧЖ муҳандиси:

– Мен фаолият юритаётган ташкилотда 70-80, мавсум пайтида эса 200-300 нафаргача қурувчилар ишлайди. Асосан ижтимоий объектлар қурилиши билан шуғулланамиз. Мактаб, боғча, спорт мажмуалари, уйлар. Ҳозирги пайтда “Янги Ўзбекистон” массивлари доирасида 5 қаватли 30 хонадонли уйларни қуриш билан шуғулланяпмиз. Бундан ташқари, Қўнғирот туманида ҳам ҳарбийлар учун хизмат уйлари қуриляпти. Бугунги танловга тақдим этган янгилигим – фаолиятимизга кластер тизимини жорий этиш масаласи. Корхонамиз таркибида темир-бетон маҳсулотлари ва ички хоналар учун эшиклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Бу орқали кўпчилик иш билан таъминланади, ўзимизга ҳам қурилиш материаллари таннархи арзон тушади. Келгусида инвестициялар киритиш орқали йирик ҳажмдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кластерларини ташкил қилишни режалаштиряпмиз. Қолаверса, бугунги кунда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали ташкилотимиз рейтингини ошириш устида ҳам ишлар олиб боряпмиз.

**Норигул ҚУРОЛОВА,**
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, “Қурилиш материаллари. Буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” кафедраси стажер ўқитувчиси:

– Танловга тақдим этган лойиҳам – базальт толаси ёрдамида томёпма қурилиш материали яратиш технологияси ҳақида. Бунда асосан базальт толаси қўлланилади. Асбестсиз композицион томёпқич материали импорт маҳсулот бўлгани сабабли нархи ҳам қиммат. Биз асбест тола ўрнига маҳаллий хомашё – базалт толасини қўллаб, самарадор, арзон материал олиш технологияси устида ишлаяпмиз. Базальт толаси асосидаги экологик тоза тўлқинсимон томёпма буюмлар (шифер) ишлаб чиқариш орқали маҳаллий қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз. Мамлакатимизда бино ва иншоотларни устки том қисмини ёпиш учун турли хил қопламалар, масалан, металл профиллар, сопол черепица ва асбестоцемент лист қопламалардан фойдаланилмоқда. Бу турдаги материалларни ишлаб чиқариш учун зарурий хомашё асосан Россия давлатидан ва қўшни республикалардан импорт қилинади. Ўзбекистон географик жойлашувига кўра, иссиқ-қуруқ, ёзи жазирама. Асбестоцемент лист қопламалардан бўлган турар жой бинолари, ижтимоий объектлар аҳоли саломатлиги учун ўзига хос хавф туғдиради. Хусусан, ёз чилласида юқори ҳароратда асбестоцементли том қопламаси ўзидан кансероген моддалар ажратиб чиқаради. Шу боис, замонавий қурилиш соҳасида асбест хомашёсини ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишга доир бир қатор чекловлар белгилаб қўйилган. Келгусида биз яратаётган бу маҳсулот юртимизга ҳам экологик, ҳам иқтисод жиҳатдан катта фойда келтиришига ишонамиз.




**Элдор ЖЎРАҚУЛОВ,**
Қарши шаҳридаги “Мунтазам йўллардан фойдаланиш” унитар корхонаси техник бўлими бошлиғи:

– Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти Миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти “Мелиорация ва суғорма деҳқончилик” мутахассислиги 2-босқич магистрантиман. “Суғориладиган ерларнинг норматив қийматини баҳолаш услубларини такомиллаштириш мавзусида магистрлик диссертацияси устида ҳам иш олиб боряпман. Корхонадаги фаолиятим давомида Қарши шаҳар 3-митти туман ички кўчаларини жорий таъмирлаш, Қарши туман 4к308 Хонобод чуғдумма автомобиль йўлининг 3-километридан ҳарбий қисм омборига олиб борувчи кириш йўлини жорий таъмирлаш, Косон туманидаги ички хўжалик кўчаларини жорий таъмирлаш, Қарши шаҳар Наво МФЙга қарашли кўп қаватли уйларга кириш йўлини жорий таъмирлаш, 4Н-292 А “А-380 автомобиль йўлидан” Намуна қишлоғига кириш йўлини жорий таъмирлаш ишларини олиб борганман. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Цемент-бетон қопламали автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ушбу йўллар қурилишида янги технология ва усулларни қўллашга ҳаракат қиляпмиз.

“Энг фаол ёш транспортчи” номинацияси бўйича ҳам иштирокчиларнинг фикрлари билан қизиқдик.

**Сойибжон ҒУЛОМОВ,**
“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ иш бошқарувчиси:

– “Тошшаҳартрансхизмат” АЖда ҳозирги кунда 4 400 нафар ходим ишлайди. Айни пайтда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида янги автобуслар сотиб олишга кўрсатма берилиб, молиялаштирилди. Замонавий русумдаги автобуслар харид қилиниб, халққа хизмат қилиш учун қўйилмоқда. Хитойдан келтирилган электробуслар ҳам янги лойиҳаларимиздан ҳисобланади. Айни пайтда биз яна кўплаб лойиҳалар устида иш олиб боряпмиз. Хусусан, аввалги йўл харитасига кўра, баъзи автобуслар йўли бир-бирини такрорлаган, беҳуда йўллари кўп бўлган. Шу боис, оралиқ муддатлари кўпайиб, одамлар ярим соатлаб автобусларни кутиб қолган. Янги жадвал бўйича автобуслар учун магистрал йўллар қурилиб, қисқа муддатли йўналишлар яратилади. Бунда йўловчи манзилга тезроқ етиб боради. Йўлкира нархларини ҳам оптималлаштириш бўйича лойиҳалар қилиняпти. 18 та магистрал йўналишлар очилади. 140 та тирбанд чорраҳа танлаб олиниб, ҳозир реконструкция қилиняпти. Бу йўлларда автобуслар ва махсус хизмат транспорт воситалари учун алоҳида йўлаклар қурилади. Автобус бекатлари ҳам янгиланиб, қайта жиҳозланади. Энг катта мақсадимиз бугунги кунда юртимизда электробуслар фаолиятини кенг равишда йўлга қўйишдан иборат.

**Айёмбек РОЗИҚОВ,**
“Қамчиқавтойўл” ИЙФК механизатори:

– 2014 йилдан буён корхонада механизатор сифатида фаолият юритиб, Қамчиқ довонида қатновни самарали йўлга қўйишга ҳисса қўшиб келяпман. Бизнинг корхонамиз водий билан Тошкент шаҳрини боғлаб турувчи ягона автомобиль йўлига хизмат кўрсатади. Бу йўлда бир суткада 20 мингдан 30 мингтагача автомобиль қатнови амалга оширилади. Корхонамизда ишчилар учун барча шароит яратилган. Бизни йўналиш асосан тоғли йўллар бўлгани учун йилнинг 5-6 ойида ёғин-сочин кузатилади. Бундай вазиятда йўлларда ҳаракатланиш учун қулайликни ошириш керак бўлади. Йўлларни тозалаш, уларга аралашмалар сепувчи камазлар ресурсини кўпайтириш таклифини кўтариб чиқдим. Бундай транспорт воситалари қишда қорни ўзи курайди, аралашмани махсус мослама ёрдамида ўзи сепади. Ҳам ишлаш самарадорлиги ошади, ҳам вақт тежалади. Бундай машиналарда ёнилғи сарфи ҳам кам.

Шунингдек, иштирокчиларга нафақат ўз йўналишлари, балки улар фаолият юритаётган ташкилотда касаба уюшмалари қандай ишлаши, ундан ходимлар қай тарзда фойдаланаётгани ҳақида ҳам саволлар берилди.

Қизиқарли тақдимотлар, баҳс-мунозаралар ва савол-жавобларга бой тарзда тоғ бағрида ўтган танлов сўнгида яна кўплаб ёш иқтидор эгалари кашф қилинди.

Хусусан, “Энг фаол ёш қурувчи” номинацияси бўйича 1-ўринни Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш кафедраси стажер ўқитувчиси Норигул Қуролова ҳамда “Энг фаол ёш транспортчи” номинацияси бўйича 1-ўринни Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги ходими Максет Утениязов эгаллади. Ғолиб ва иштирокчилар Республика Кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-743.
1928 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – И. Ибодулла.

ЎзА якуни – 02.45.
Топширилди – 04.20.

1 2 3 4 5 6